

СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИ

Анвар Джумабаевич ХУСАНОВ

доцент

юримдик фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Маколада экспериментнинг экспертиза тадқиқоти методлари тизимидаги ўрнини аниқлаб, унинг экспертиза тадқиқотлари методикасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга таъсири масалалари ўрганилган. Экспериментал методни қўллаш масалаларини ўрганиб, соҳа мутахассисларининг назарий қарашларини таҳлил қилган ҳолда эксперт экспериментини ўтказиш методикаси бошқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Таянч сўзлар: суд экспертизаси, эксперимент, эксперимент методикаси, эксперимент бошқичлари, ўзгарувчан эксперт экспериментлари, ҳисоблаш таҳлиллари, комбинацияланган (аралаш) эксперт эксперименти, экспериментнинг асосий ва махсус мақсадлари.

ЭКСПЕРТНЫЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ СУДЕБНО- БАЛЛИСТИЧЕСКИХ ЭКСПЕРТИЗ

Анвар Джумабаевич ХУСАНОВ

Доцент

доктор философии (PhD) по юридическим наукам

Академии МВД Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье определяется роль экспертного эксперимента в системе методов экспертных исследований и рассматриваются вопросы влияния эксперимента на развитие и совершенствование методологии экспертных исследований. Изучая вопросы применения экспериментального метода и анализируя теоретические взгляды специалистов в данной области, рассматриваются этапы методики проведения экспертного эксперимента и их специфика.

Ключевые слова: судебная экспертиза, эксперимент, методика эксперимента, этапы эксперимента, переменные экспертные эксперименты, вычислительный анализ, комбинированный (смешанный) экспертный эксперимент, основные и специальные задачи эксперимента.

Эксперт эксперименти – бу экспертиза тадқиқотлари объектлари ва уларнинг хусусиятларини, жараёнлар, ҳодисалар ҳамда қонуниятларини тадқиқ қилиш учун тегишли соҳа бўйича махсус билимга эга шахс томонидан

назорат қилинадиган ва бошқариладиган шароитларда ўтказиладиган, бир неча бор такрорланадиган тажрибага (синов) оид ҳаракатларни амалга оширишдан иборат билиш методи.

Экспериментнинг экспертиза тадқиқоти методлари тизимидаги ўрнини аниқлаб, унинг экспертиза тадқиқотлари методикасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга таъсири масалаларини ўрганамиз. Таъкидлаш жоизки, экспертиза тадқиқотлари методикаси эксперт экспериментининг кетма-кетлиги ва самарадорлигини таъминлаш учун назорат қилинадиган ва бошқариладиган шароитларда қўлланиладиган илмий тадқиқот усуллари, йўллари ва методлари тизимидан иборат. Жумладан, Ш.Хасанов а бошқалар “Эксперимент методи орқали экспертиза тадқиқотлари ўтказишда турли объект ва ҳодисаларнинг маълум шароитлардаги хусусиятлари қайта тикланиб аниқланади. Экспериментал метод асосида из ҳосил бўлиш механизми, текширилаётган объектларнинг ўзаро таъсирлашиш шарт-шароитлари ва механизмлари ҳам қайта тикланиб аниқланади” деб ёзадилар [5;33].

“Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида “экспертиза тадқиқотлар методикаси” тушунчаси мавжуд эмас. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, экспертиза тадқиқотларининг ахборот таъминоти ҳақида фикр юритишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги 73-сон қарори билан тасдиқланган “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низомда “Суд эксперти ўзига тақдим этилган тадқиқот объектлари ва иш материалларини тадқиқ этишни тегишли соҳадаги билимларга амал қилган ҳолда, процессуал қонун талабларига қатъий мувофиқ равишда холисона ва тўлиқ амалга оширади” деб белгиланган [1].

Эксперт экспериментининг вазифаларини ҳал қилишда қўлланиладиган типик методология ва илмий тадқиқот методларига мувофиқ эксперт экспериментал методни қўллаш масалаларини экспертиза амалиётига оид

мисолларда кўриб чиқамиз.

Биринчи мисол сифатида, суд-баллистика экспертизасининг тадқиқотга тақдим қилинган, ургичи бўлмаган ўқотар қуролдан (масалан, тўппонча) ўқ отиш имкониятини аниқлашдан иборат вазифани ҳал қилиш масаласини ўрганайлик.

Эксперт эксперимент методикасининг биринчи босқичи маълумотларига асосланиб, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, таққослаш, умумлаштириш ва ҳ.к. каби билишнинг расмий-мантикий методларини ўзига олган умумий методларидан фойдаланган ҳолда эксперт-баллист ўз ихтиёрида мавжуд бўлган эмпирик материал (маълумот базаси) билан тадқиқот объектининг визуал кузатиладиган тузилиш хусусиятларини таққослайди ва индуктив равишда таҳлил қилади. Тадқиқот учун тақдим этилган объект мансуб бўлган ўқотар қуроллар тизими бўйича керакли тасаввурга эгаллиги сабабли, мантикий (дедуктив) йўллар билан ўқотар қуролнинг етишмайдиган қисмининг жойлашишини, унинг техник хусусиятлари ва параметрларини (бунда ҳам мавжуд эмпирик материалларга асосланади) аниқлайди.

Сўнг, эксперт ўтказилаётган эксперимент доирасида, тадқиқот учун тақдим этилган қуролни қисмларга (тўлиқ ёки қисман) ажратади. Тадқиқот объектини қисмларга ажратиб, кузатиш, ихтиёрида мавжуд ўқотар қуроллар коллекцияси (эталон) билан таққослаш ва таҳлил қилиш орқали унинг қисмлари ва механизмларининг ҳолатини баҳолайди ҳамда кейинги эксперимент ҳаракатларини ўтказиш имкониятини аниқлайди. Бу билан суд эксперти (экспериментатор) эксперимент ўтказиш учун керак бўлган шароитларда тадқиқот объектининг ўқ отиш яроқлилиги аниқланади, яъни экспериментал ўқ отишлар амалга оширилади [4]. Экспериментал ўқ отишлар суд эксперти учун хавфсиз шароитларда ва махсус ажратилган жойда (отилган ўқни рикошетланишдан сақловчи мослама ва қуролни маҳкамлаш қурилмаси билан жиҳозланган махсус тир – ўқ отиш майдончаси, суд эксперти учун ҳимояланган жой ва масофадан ўқ отиш (қурол қўйиб

юборувчи илмоғига масофадан туриб таъсир килувчи) курилмаси; ўқотар курулларнинг табиий коллекция ва ҳ.к.) ўтказилади.

Экспериментнинг келгуси ҳаракатларини амалга ошириш имконияти ижобий баҳоланганда, суд эксперти курулнинг етишмайдиган қисмининг (боёк) шакли ва ўлчамларини аниқлаш мақсадида ургич (боёк) жойлашадиган жойнинг (қисм) визуал кўздан кечиради ҳамда ўлчамни амалга оширади. Бу ҳаракатлар билан суд эксперти тақдим этилган ўқотар курулнинг тури (русуми, тизими, намунаси) тўғри аниқланганлигига яна бир ишонч ҳосил қилади ҳамда экспериментнинг шароитларини аниқлаштириб олади.

Кўрилаётган ҳолда, суд эксперти томонидан тадқиқотга тақдим қилинган ўқотар курулнинг тизими аниқланганлигини инобатга олиб, курулнинг етишмайдиган қисмини танлаш бўйича қуйидаги ҳолатлар (вариант) бўлиши мумкин:

Биринчи ҳолат, суд эксперти ихтиёрида мавжуд бўлган ўқотар куруллар коллекциясидан фойдаланиб, айнан бир русумдаги (тизим, намуна) ўқотар курулнинг керакли қисмидан (деталь) фойдаланиши мумкин.

*Иккинчи ҳолат*да суд эксперти куруллар коллекциясидаги бошқа русумдаги ўқотар курулларнинг тузилишига кўра ўхшаш (шакли ва ўлчами) керакли қисмидан (ургич) фойдаланиши мумкин.

*Учинчи ҳолат*да, ихтиёрида ўқотар куруллар коллекцияси бўлмаган тақдирда, суд эксперти амалий тажриба ва назарий билимлардан ҳамда тегишли кўникмаларга эгалигидан фойдаланиб бўлиб, ўлчами, шакли ва мустаҳкамлиги бўйича етишмаётган қисмга ўхшаш қисмни (ургич) мустақил тайёрлаши мумкин.

Тўртинчи ҳолат, суд экспертнинг тажрибаси камроқ ва ўқотар куруллар коллекцияси бўлмаган тақдирда, бошқа суд экспертиза муассасасига тегишли баллистик тадқиқотлар тайинлаш тавсияси билан кейинги тадқиқотларни ўтказишдан асосланган ҳолда бош тортишдан иборат. Бу ҳолат одатда, жуда камдан-кам ҳолларда бўлади, чунки экспертизанинг

дастлабки тайёргарлик босқичида суд экспертиза муассасаси раҳбари топширилган вазифаларни ҳал қилиш учун тадқиқот ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги, ўтказиш мумкинлиги ва техник имкониятлар мавжудлиги тўғрисида, шунингдек, қўл остидаги мутахассислар – суд экспертларининг тегишли ваколатлари мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилган бўлади [4].

Экспертизага тақдим этилган бир неча объектларни, масалан, гильзаларни бир гуруҳга тегишли эканлигини аниқлаш зарур бўлганда ёки бу гильзаларга кўра қидирилаётган ўқотар қуролни идентификация қилиш талаб қилинганда, ушбу гильзаларни алоҳида тадқиқ этилганидан кейин яна таққослаш тадқиқотлари ўтказилади. Агар, экспертизага тақдим этилган ўқотар қуролнинг отиш учун яроқлилиги аниқланиши ёки ушбу қуролдан экспериментал ўқ отиш жараёнида таққослаш тадқиқотлари учун экспериментал намуналар олиш зарур бўлса, у ҳолда, алоҳида тадқиқотлар босқичи жараёнида эксперимент ҳам ўтказилади.

Экспертиза вазифаларининг ва ушбу вазифаларни ҳал этишда қўлланиладиган методларнинг мазмун-моҳиятини билиш, муайян алоҳида тадқиқотларни ўтказиш методикалари ҳамда бир экспертиза доирасида бир неча саволларга жавоб бериш кетма-кетлиги ифодалангани учун ҳам зарур. Жумладан, экспертиза олдида қуйилган саволларга жавоб бериш мақсадида, ўқотар қурол, патронларни ишлатиш имкониятларини аниқлаш ҳамда таққослаш тадқиқотларига намуналар олиш учун эксперимент ўтказиш талаб этилса, у ҳолда экспертиза вазифалари ва бу вазифаларни ҳал этиш учун ўтказиладиган тадқиқот босқичларининг ўзаро боғлиқлиги, ушбу тадқиқотлар жараёнида қўлланиладиган методлар бўйича барча билимлар, экспертга ўз вақти ҳамда воситаларини тежаб, тадқиқотлар жараёнида бир нечта эмас, балки биргина эксперимент ўтказиш имконини беради [5;30].

Агар суд экспертига берилган саволда аниқ шароитлар кўрсатилган бўлса (масалан, стандарт (ностандарт), ёки қўлбола усулда тайёрланган ургич (боёк) ёрдамида ўқ отиш имкониятини аниқлаш талаб этилса), у ҳолда суд эксперти кўрсатилган шароитларга мос экспериментал тадқиқотлар ўтказиши

шарт. Қолган ҳолатлар бўйича эксперимент ҳаракатларини (синов) ўтказиш мажбурий эмас, бироқ эксперт ташаббуси доирасида, тадқиқотнинг тўлиқлиги ва ишончилиги ва унинг натижаларига кўра чиқарилган якуний жавобларнинг (хулосалар) асосланганлигини таъминлаш учун бундай синовларни ўтказиш мумкин.

Шундай қилиб, ўзгарувчан эксперт экспериментларини ўтказишда кузатиш, таққослаш, таърифлаш ва ўлчаш каби умум-илмий методларни қўллаш зарурати ва имконияти шубҳасиздир. Моделлаштириш ва математик методлардан фойдаланиш эса юқорида таъкидланган учинчи ҳолат бўйича ўтказиладиган эксперимент пайтида мумкин, чунки суд эксперти керак бўлган ургичга ўхшаш қисмни (деталь) мустақил тайёрлаганда аслида етишмаётган қисмнинг моделини яратган бўлади.

Шу билан бирга, агар ўзгарувчан эксперимент ўтказишни суд-автотехникавий экспертиза мисолида кўрилса, у ҳолда тўсиқ билан тўкнашув учун муайян шартларни белгилашда (масалан, тормозларнинг мавжудлиги/йўқлиги), кўрилаётган иш моҳияти ва бошқа эмпирик материаллар мавжуд бўлганда, суд эксперти физикавий (предметли) моделлаштиришдан эмас, балки математик моделлаштиришдан фойдаланади.

Ҳисоблаш таҳлиллари амалга оширилган алоҳида шароитларни (параметр) танлашдан фойдаланиб ва турли тегишли формулалар ва уларнинг йиғиндисини қўллаш орқали суд эксперти, ўрганилаётган вазиятни қайта тиклаши, текширилаётган ҳодиса натижаларини келиб чиқиши фақат муайян аниқ шароитларда бўлиши мумкин деган хулосага келиши мумкин.

Аниқ бир русумдаги ўқотар қуролдан берилган шароитларда (масалан, ўқотар қуролнинг 1,5 метр баландликдан тушиб кетиши ёки қўндоғи ёхуд ствол орқа кесими билан бирорта буюмга урилиши ва ҳ.к.) беихтиёр (тасодифий) ўқ отилиши имкониятларини аниқлаш бўйича вазифани суд-баллистика экспертизасини ўтказиш доирасида аниқлаш мисолида, турли тадқиқот методларини қўллашни баҳолаш мақсадида, тасдиқловчи ва назорат қилувчи экспериментларни ўтказишни кўриб чиқайлик.

Қўйилган вазифани ҳал қилишга – бир томондан муайян бир ҳолатни (ўқ отиш имкониятлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги) ва бошқа томондан бундай имкониятнинг (мавжуд бўлса) муайян шароитларда юзага келишининг сабабий боғлиқлигини (масалан, қурол шепталоси, ажратгичи, фиксатори ёки унинг пружинасининг ейилиб кетганлиги ва ҳ.к.) аниқлашга қаратилган бундай экспериментни ишонч билан комбинацияланган (аралаш, мураккаб) эксперимент деб аташ мумкин [3]. Худди ўзгарувчан эксперимент каби, уни ўтказишнинг дастлабки босқичида экспериментни келгуси режалаштириш ва уни ўтказиш хавфсизлигини баҳолаш мақсадида суд эксперти мавжуд материалларни (тадқиқот объекти) таҳлил ва синтез, таққослаш ва умумлаштиришларни амалга оширади, яъни, тадқиқот объекти ва унинг тузилиш хусусиятларини дастлабки тадқиқотлари ва баҳолаш учун билишнинг умумий методларининг деярли барчасидан фойдаланади.

Эксперимент ўтказиш мумкинлигини аниқлаб (ижобий баҳолаб) ва келгуси ҳаракатларни режалаштириб, ўқотар қуролнинг алоҳида ва барча қисм ва механизмларини белгиланган тартибда ишлашига ҳалал берувчи, бинобарин муайян бир шароитда ёки бундай шароитлар йиғиндиси юзага келганда, тасодифий ўқ отилишига олиб келадиган нуқсонларни дастлабки визуал аниқлаш мақсадида, суд эксперти тақдим этилган қурол ва унинг қисмларини кўздан кечиради, ўлчайди ва мавжуд эмпирик материаллар (намуналар таърифлари) билан таққослайди.

Агар эксперт тадқиқотларининг айрим турлари доирасида қўлланиладиган ўзгартирувчи экспериментда маълум бир эҳтимоллик билан физикавий (моддий, предметли) моделлаштиришнинг математик моделлаштиришдан (рақамли, электрон ҳисоблаш) устунлиги ҳақида фикр юритилса, табиий бир савол туғилади: “суд эксперти қўйилган вазифаларни ҳал қилиш ва экспериментнинг мақсадларига эришиш учун моделлаштиришни қандай қилиб қўллаши мумкин (ва қўллай оладими)?”.

Бу саволга жавоб бериш учун, комбинацияланган (аралаш) эксперт экспериментини шартли равишда унинг таркибий элементларига, яъни

тасдиқловчи ва назорат қилувчи экспериментларга ажратайлик. Тасдиқловчи экспериментда ҳал қилинадиган вазифаларга боғлиқ ҳолда суд экспертнинг ихтиёрида тусмол (кўрилаётган иш моҳиятини ҳисобга олган ҳолда) мавжуд бўлади ва уни тасдиқлаш (ёки инкор этиш) талаб қилинади. Бу мақсадлар учун суд эксперти қайта тиклашни амалга ошириши керак, яъни кўрилаётган ишнинг моҳиятига кўра илгари, тадқиқот объекти билан юз берган тахминий ҳаракатларнинг шароитларини (ёки уларга яқин шароитлар) моделлаштириши (ташқил қилиши) керак. Бундай ҳолда, моделлаштиришни фақат ўхшаш элементлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Муайян шароитларда ўқотар қуролдан тасодифий (қўйиб юборувчи илмоқни босмасдан) ўқ отиш имкониятини аниқлашга қаратилган экспериментал ҳаракатни бир неча бор амалга ошириб, суд эксперти тақдим қилинган ўқотар қуролдан тасодифий ўқ отиш мумкинми ёки йўқми, деган саволга жавобни шакллантиради. Агар бундай ўқ отишнинг имкони бўлмаса, текширилаётган тусмолни ҳисобга олган ҳолда, кўпинча тегишли хулосалар тузилади ва эксперт тадқиқотлари шу билан яқунланади.

Агар тақдим қилинган қуролдан тасодифий ўқ отиш мумкин бўлса, суд эксперти қуролни қисмларга ажратади (тўлиқ ёки қисман) ва унинг таркибий қисмларида текширилаётган оқибатни – яъни муайян шароитларда тасодифий ўқ отилишларини келиб чиқишига сабаб бўлган ишлаб чиқариш нуқсонлари ва ишлатиш изларини (ейилиш, синиш ва бошқ.) аниқлаш учун уларни батафсил ўрганади [2]. Бу билан суд эксперти назорат экспериментини ўтказишга киришади.

Тасодифий ўқ отилиши имконини келтириб чиқарган шароитни (кўрилаётган ҳолда – деталь – қурол ургичи) аниқлаб суд эксперти ўз тусмолини (тасодифий ўқ отилиш учун айнан шу қисм (тугун) сабаб бўлганми ёки йўқ?) тасдиқлаш учун, мазкур қисмга ўхшаш бошқа қисм (ургич) ёрдамида моделлаштирилган экспериментларни бир неча бор такрорлайди. Агар натижа биринчи эксперимент (тасодифий ўқ отилишнинг имкони йўқ) натижасидан фарқ қилса, яъни, тақдим қилинган ўқотар

қуролдан тасодифий (унинг қўйиб юборувчи илмоғини босмасдан) ўқ отилса, унда суд эксперт тадқиқ қилинаётган ўқотар қуролдан тасодифий ўқ отилишнинг экспериментдан аниқланган сабаблари ҳақиқат эканлиги (тўғрилиги) бўйича ишонч билан хулоса қилиши мумкин [4].

Шу билан бирга, суд эксперти бу сабабнинг мураккаб табиати (масалан, тасодифий ўқ отилишларининг сабаби қуролнинг барча қисмларининг кучли ейилиб кетганлиги ёки унинг қисмларида жуда кўп занглаш излари мавжудлигидан келиб чиққанлиги ва бошқ.) мавжудлигини инкор этмаслиги керак. Шу боисдан, кўрилаётган ҳолда математик моделлар ёки махсус дастурий таъминотни яратиш орқали математик моделлаштиришдан фойдаланиш ниҳоятда самарасиз бўлиб туюлади.

Экспертлар амалиёти кўрсатадики, замонавий шароитларда мутахассислар барча тадқиқот объектларини тўлиқ ўрганиш ва методик таъминотни тайёрлаш учун етарли ресурсларга (вақт ва малакага оид) эга эмаслар, бундай объектларга нисбатан ҳал қилинадиган масалалар камдан-кам сўраладиган тоифага киради ва объектларнинг ўзи суд экспертилик амалиётида камдан-кам учрайди. Бугунги кунда қўлланилаётган ва кенг татбиқ этилаётган банк электрон карталарининг турли хил стандартлари бунга яққол мисол бўла олади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқоридаги фикрлар илмий-техника тараққиётининг замонавий босқичида барча турдаги экспертизаларда диалектик, умумилмий ва махсус тадқиқот методларидан фойдаланмасдан кўрилаётган иш бўйича одил судлов эҳтиёжлари учун керакли вазифаларни бажаришга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш, эксперт экспериментининг асосий ва махсус мақсадларига эришиш мумкин эмас, деган хулосага қилишга асос бўлади. Шу билан бирга, фан ва техника тараққиётининг жадал ўсиши суд экспертизаларини ўтказишда эксперт экспериментини қўллаш даражасининг ортиб боришини ва бу билан одил судловни таъминлашга қаратилган экспертиза вазифаларини бажаришдаги аҳамияти ва роли ортишини белгилаб беради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, эксперт экспериментини суд экспертизасининг мажбурий босқичи деб ҳисоблаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида Намунавий низом: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2023-йил 21 феврал 73-сон қарори / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.02.2023 й., 09/23/73/0098-сон. // <https://lex.uz/uz/docs/6388692>.

2. Белкин Р.С. Криминалистическая энциклопедия. – Москва, 1997.

3. Бушуев В.В. О логике экспертного исследования // Российский и международный опыт производства судебных экспертиз: Материалы Международной научно-практической конференции. – Москва, 2017. – С.30-36.

4. Рыжиков Д.А. Эксперимент в судебной экспертной деятельности: Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва, 2019. – 151 с.

5. Хасанов Ш.Х., Тураббаев Х.А., Хусанов А.Д. Баллистик экспертиза: Дарслик. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 444 б.